



Халқ депутатлари Самарқанд тумани Кенгашининг  
Қ А Р О Р И

2020 йил “23” октябрь

76 / 13 сон

**Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Самарқанд туманидаги номлари ўзгармайдиган маҳалла фуқаролар йиғинларини тасдиқлаш ҳамда номсиз кўчаларга ном бериш ҳақида**

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2020 йил 2 октябрдаги 01/3-300/1-сонли йиғилиш баёни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига асосан Халқ депутатлари туман Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссияси раисининг ўринбосари Б.Ярашевнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонуни ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссиясининг 2020 йил 02 октябрдаги 01/3-300/1-сонли йиғилиш баёни билан тасдиқланган туманда аввалдан мавжуд номланган 27 кўчалар рўйхати ҳамда ном берилган 877 та номсиз кўчалар рўйхати **1-иловага**, туманда мавжуд номи ўзгармайдиган маҳалла фуқаролар йиғинлари рўйхати **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссияси (**Ш.Хасанов, Б.Ярашев**):

**ўн кун муддатда** мазкур қарор билан тасдиқланган тумандаги номлари ўзгармайдиган маҳаллаларнинг номларини ҳамда мавжуд номсиз кўчалар номларини давлат рўйхатидан ўтказилиши учун тақдим этилишини таъминласин;

**бир ой муддат ичида** номсиз кўчаларга ном берилиши муносабати билан, амалга оширилиши лозим бўлган барча (замонавий ва миллий дизайнда кўрсаткич белгиларини ўрнатиш, фуқаролар паспортларига, муассаса ва ташкилотларнинг муҳр ва штамплари ҳамда иш қоғозларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ва бошқалар) ишларнинг сифатли бажарилишини таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Халқ депутатлари туман Кенгашининг 2020 йил 18 апрелдаги 24/3-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. Ушбу қарор “Гулобод тонги” газетаси ҳамда туман ҳокимлиги расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Д.Шукурова зиммасига юклатилсин.

**Халқ депутатлари туман  
Кенгаши раиси**



**Н.Мавлонов**